

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

И.Ш.Байдадаев - катта ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Таянч сўзлар: жамоат хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш, жанговар тайёргарлик, пейнтбол, страйкбол, экстремал вазият.

Ключевые слова: общественная безопасность, охрана общественного порядка, боевая подготовка, пейнтбол, страйкбол, экстремальная ситуация.

Key words: public safety, public order, combat training, paintball, airsoft, extreme situation.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни *“Мен Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари – Ватанимизнинг асл ўғлонлари сифатида замонавий билимларни эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр, халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячилари эканлигига қатъий ишонаман”* [1] деган ижобий фикрлари соҳа мутахассисларини тайёрлашда биздан замон талабига мос, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни талаб этади.

Жамоат хавфсизлиги тушунчасининг моҳиятини очиб бериш бўйича тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган ёндошувлардан ташқари айрим мутахассислар жамоат хавфсизлиги тушунчасини кенг ва тор маънода кўриб чиқади. Хусусан, жамоат хавфсизлиги кенг маънода давлат, жамиятнинг нормал фаолият кўрсатишини, ҳар бир фуқаро учун осойишталик муҳитини таъминлайдиган ҳуқуқий, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари мажмуидир.

Тор маънода, жамоат хавфсизлиги – бу одамлар ҳаёти жараёнида вужудга келадиган мустаҳкам иродали ижтимоий муносабатлар, уларнинг жамоат жойларида цивилизациялашган жамиятнинг ҳуқуқий меъёрлари, қоидалари ва урф-одатларининг амалдаги кўрсатмаларига мувофиқ мулоқот қилиш тартибидир. Шу билан бирга жамоат хавфсизлиги мазмуни тор маънода жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ муносабатларни ва давлат органларининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади [5].

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги тарихий ислохотлар, аввало, инсон кадри, халқ манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳаракатлари одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, халқимизни ҳар томонлама рози қилишга қаратилган. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланган, тартиб бор жамиятдагина барқарор таракқиёт ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга эришиш мумкин.

Барча соҳалар қатори халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга бўлиб, Ватанимиз, фуқаролар дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш йўлида муҳим натижаларга эришиб келинмоқда.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг самарали ташкил этилиши, фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва ҳаётини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат хавфсизлигига таҳдид қилиши мумкин бўлган жиноий

ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тажовузларини бартараф этиш имконини беради.

Авваламбор, Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Миллий хавфсизлик концепцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланади, халқаро ҳуқуқнинг, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принциплари ва нормаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларга таянади.

Мамлакатимизнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тасдиқланган бўлиб, унга асосан, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилди. Университет жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг тегишли йўналишларида малакали кадрларни мақсадли тайёрлашни амалга оширувчи базавий олий ҳарбий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2021 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сон фармони қабул қилиниши, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқди [2].

Жумладан, фармон билан жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан қафолатли ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси, 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси ҳамда “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Ушбу концепциянинг асосий мақсади эса, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш, “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойилини амалга ошириш ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиш ва тергов қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлинмаларининг касбий тайёргарлигини юксалтириш асосида амалга оширилади.

Маълумки, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини бевосита таъминлаш учун Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари бирдек масъул этиб белгиланган бўлсада, уларнинг ушбу соҳада ваколатлари ва жавобгарлик ҳудудларининг аниқ чегараларини белгилаш бўйича ягона норматив ҳужжат мавжуд бўлмаган ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифалари ва жавобгарлик ҳудудлари фақат қўшма қарорлар билан белгиланиб келинган [4].

Умуман олганда, жамоат хавфсизлиги миллий хавфсизлик тизимининг муҳим элементи бўлиб, мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, жиноятчиликни олдини олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳамда унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги жамоат хавфсизлигини ишончли таъминланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу функцияларни амалга оширувчи ваколатли давлат органлари фаолияти йўлга қўйилган бўлсада, унинг назарий-ҳуқуқий асослари, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини самарали таъминлашни назарда тутувчи ташкилий-ҳуқуқий ва жанговар тайёргарлик механизмларини ислоҳ қилишга бўлган эҳтиёж долзарб масалалардан бири бўлиб қолади.

Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишга қодир бўлган малакали мутахассисларни ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш ҳамда уларни жанговар ва жисмоний тайёргарликдан ўтказиш орқали юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларда вазиятни тезкор баҳолаб, аниқ қарор қабул қила оладиган, касбий қийинчиликларни сабот билан енга оладиган ходимларни мақсадли тайёрлаш асосий вазифа этиб белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда ҳар бир ходимни касбий, ахлоқий-руҳий, жанговар тайёргарликларини ҳарбий таълим-тарбиясиз тасаввур қилиш қийин. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида хизмат олиб бораётган ҳар бир ходимни, юзага келадиган фавқулодда вазиятларни аниқ таҳлил қила олиши, ҳаракатларни режали амалга оширишлари, уларга нисбатан зарарсизлантириш учун чора-тадбирларни кўришда, куч ва воситаларни тўғри қўллаш олишида яққол намоён бўлади.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари бекиёс кучга айланиб бораётган бир пайтда геосиёсий муаммолар билан боғлиқ воқеа ва ҳодисаларга дуч келинмоқда. Ҳозирги кунда минтақамизда юз бераётган куролли можаролар ҳаммамизни сергак бўлиб, жанговар шайлик борасида қилаётган ишларимизни сарҳисоб қилган ҳолда олдинга қараб интилишимизга ундайди. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жанговар вазифаларни бажаришга қодир бўлган малакали кадрларни тайёрлаш барча ҳарбий таълим муассасаларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хусусан, ички ишлар органларида жанговар, жисмоний ва ахлоқий тайёргарликларини сифат даражасига кўтариш борасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 22 сентябрдаги 383-сонли “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи бунга яққол мисол бўла олади [6].

Бугунги кунда ИИБ Академиясида Ички ишлар органларига соҳа мутахассисларини ҳарбий таълим йўналишида ўқитишда Ҳарбий хизмат тайёргарлиги фани асосий ҳарбий фанлар негизи ҳисобланиб, ички ишлар органлари ходимларининг профессионал касбий тайёргарлигининг асосини ташкил этиб, ички ишлар органлари олдида турган ташкилий-бошқарув вазифаларини, белгиланган иш жойларида хушёрликни, интизомни, жавобгарликни ҳис этувчи, қонунни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш

фаолиятини амалга оширувчи, ижодий ва янгича фикрловчи, юқори савияли, руҳий тайёрланган, касбига содиқ ва яхши сифатларни ўзида мужассамлаштирган мутахассисларни тарбиялашни ўз ичига олади. Ҳарбий-хизмат тайёргарлиги фанини ўқитишдан кўзланган асосий мақсад курсантларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фаолияти учун зарур бўлган билимларни бериш ва шу асосда уларда мустаҳкам қўникма ва малакаларни шакллантириш, оғир шароитларда ва фавқулодда вазиятларда махсус операцияларда қатнашиш, бўлинмалар ва хизмат нарядларини ташкил этиш ва уларни моҳирона бошқариш, жанговар вазифаларни бажариш жараёнида юқсак ахлоқий-руҳий, иродавий хусусиятларни, ташаббускорлик ва қатъиятликни шакллантиришдан иборат. Хизмат нарядларини ўташда маҳорат билан ҳаракат қилиш; ўқотар қуролларни моҳирона қўллаш ва уларнинг қисмларини билиш; душман томонидан оммавий қирғин қуроллари қўлланилганда, табиий офат, йирик фалокат юз берганда тўғри қарор қабул қилиш ва берилган топшириқларни маҳорат билан бажариш, раҳбар ва бошлиқлар таркиби томонидан бошқарувни тўғри амалга ошириш услубиётини ўргатади.

Ички ишлар органларида ҳарбий таълим соҳасида қилинаётган ишлар самарадорлигини, таълим олувчиларнинг жанговар тайёргарлигини янада ошириш учун қуйидаги ишларнинг амалга оширилиши, хусусан, ҳарбий фанларни, айниқса, махсус тактик тайёргарлик фани бўйича назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан доимий амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, таълим муассасалари орасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида курсантлар ўртасида амалий машғулотлар ва конкурсларни ташкиллаштириш, чет элда ва минтақамизда бўлиб ўтган турли хил оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйича олиб борилган ишларни чуқур таҳлил қилиб бориш, буюк аждодларимизни ҳалқ манфаати ва юрт хавфсизлиги йўлида босиб ўтган йўллари мавзусида курсантлар ўртасида қўшимча маълумотларни етказиб бориш мақсадга мувофиқ.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тайёрланаётган кадрларни жанговар тайёргарлик йўналишида билим савиясини ошириш, мукамал амалий қўникмаларини шакллантириш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- хизмат ўташ жараёнларини ўз ичига олувчи ситуацион полигонларни ташкил этиш;
- ходимларни ҳуқуқий онгини ва муомала маданиятини ошириш;
- чет тилларини ўргатиш бўйича ишларни жадаллаштириш;
- расмийлаштириш, ҳужжатлаштириш жараёнларини ўз ичига олган машғулотларни кўпайтириш;
- амалий машғулотларни замонавий педагогик технологиялар асосида ўтказиш ва сифат даражасини кўтариш;
- ҳарбий фанларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, айниқса, жамоат хавфсизлиги бўйича чуқурлаштирилган ҳолда ўтилиши;
- амалий машғулотларни ўтишда, айниқса, оммавий тартибсизликларни олдини олиш ва бартараф этишда таълим муассасалари ўртасида амалий машғулотлар мунтазам ўтказиб бориш;
- ҳарбий таълим муассасаларида махсус тактик тайёргарлик машғулотларини ўтказишда замонавий ситуацион полигон “пейнтбол” “страйкбол” ҳарбий спорт ўйинларини дарс машғулотларига жорий этиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ёш кадрлар

билим, малака ва кўникмаларини юқори даражада шакллантириш орқали замонавий талабларга мос, ҳар қандай фавқуллодда вазиятларда тезкор қарорлар қабул қила оладиган ва доимий жанговар шайлиги юқори

бўлган, энг асосийси “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида ҳалқнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қила оладиган етук мутахассис бўлиб етиштириш зарур.

Адабиётлар

1. Ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги байрам табриги. <https://iiv.uz/oz/news/ichki-ishlar-organlari-tashkil-etilganining-30-yilligi-bayram-tabrigi>. Мурожаат санаси 05.12.2023.

2. Ўзбекистон Республикаси жамоат ҳавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари: Ўз. Рес. Президентининг 2021 йил 29 ноябрь., ПФ-27. / Ўз.Р. Адлия вазирлиги. – Т.: Ўзбекистон 2021. - <https://lex.uz/docs/5749291>. Мурожаат санаси 14.12.2023.

3. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини амалга ошириш. Ўз. Рес. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиясининг 22 май 2020 йилдаги 30/46-сон қўшма қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5377545>. Мурожаат санаси 14.12.2023.

4. Ольховский Э.Б. Административно-правовые средства обеспечения общественной безопасности: дис. канд. юрид. наук. Х., 2003. 191 с.

5. Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташиқлаштириш Ўз. Рес. ИИВнинг 2022 йил 22 сентябрдаги 383-сон буйруғи.

РЕЗЮМЕ. Мақолада жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, соҳани ривожлантириш ва тегишли ҳуқуқий меъёрларни киритиш бўйича юртимизда олиб борилган сўнгги ислохотлар ҳамда соҳада кадрлар тайёрлашда муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан маълумотлар келтириб ўтилган.

РЕЗЮМЕ. В статье представлена информация об особенностях системы подготовки кадров в сфере обеспечения общественного порядка и безопасности, последних реформах, проводимых в нашей стране по развитию сферы и внедрению соответствующих правовых норм, а также информация о проблемах. обучения персонала на местах и их решения.

SUMMARY. The article provides information about the features of the personnel training system in the field of ensuring public order and security, the latest reforms carried out in our country to develop the sphere and introduce relevant legal norms, as well as information about problems. on-site staff training and solutions.

QURAMALÍ KÓRSETKISHLI- DÁREJELI TEŇLEMELERDI SHESHIW USÍLLARÍ

N.Djumabaev – fizika-matematika ilimleriniń kandidati, docent

Ajiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch soʻzlar: koʻrsatkichli-darajali tenglamalar, murakkab tenglamalar, musbat ratsional darajali funktsiyalar.

Ключевые слова: показательно-степенные уравнения, сложные уравнения, степенная функция с положительным рациональным показателем.

Key words: index-level equations, complicated equations, power function with positive rational exponent.

Kórsetkishli-dárejeli teńlemelerdi sheshiwde tiykarınan kórsetkishli, dárejeli funkciyalardıń hám oń sannıń oń bólshek kórsetkishli dárejesini qásiyetlerinen paydalanıladı. Kórsetkishli-dárejeli teńlemelerdi sheshiwdıń bir neshe usılların misallar arqalı kórsetip óteyik:

1. Teńlemenı sheshiń: $x^{x^3} = 3$

Sheshiw.

$$x^{x^3} = 3 \Leftrightarrow (x^{x^3})^3 = 3^3 \Leftrightarrow (x^3)^{x^3} = 3^3 \Leftrightarrow x^3 = 3 \Leftrightarrow x = \sqrt[3]{3}$$

Juwabı. $x = \sqrt[3]{3}$.

2. Teńlemenı sheshiń: $x^{x^4} = 64$

Sheshiw.

$$x^{x^4} = 64 \Leftrightarrow (x^{x^4})^4 = 64^4 \Leftrightarrow (x^4)^{x^4} = (2^6)^4 = 2^{2 \cdot 3 \cdot 4} = (2^3)^8 = 8^8 \Leftrightarrow x^4 = 8 \Leftrightarrow x = \sqrt[4]{8}.$$

Juwabı. $x = \sqrt[4]{8}$.

3. Teńlemenı sheshiń: $x^{x^6} = \sqrt{2}^{\sqrt{2}}$

Sheshiw.

$$x^{x^6} = \sqrt{2}^{\sqrt{2}} \Leftrightarrow (x^{x^6})^6 = (\sqrt{2}^{\sqrt{2}})^6 \Leftrightarrow (x^6)^{x^6} = (\sqrt{2}^{\sqrt{2}})^{2 \cdot 3} = (\sqrt{2}^3)^{2 \cdot \sqrt{2}} = (\sqrt{8})^{\sqrt{8}} \Leftrightarrow x^6 = \sqrt{8} \Leftrightarrow x = \sqrt[6]{\sqrt{8}} = \sqrt[6]{8} = \sqrt[3]{2} = \sqrt[4]{2}.$$

Juwabı. $x = \sqrt[4]{2}$.

4. Teńlemenı sheshiń: $x^x = 256^{x+256}$

Sheshiw.

$$x^x = 256^{x+256} \Leftrightarrow x^x = 256^{x+256} : 256^x \Leftrightarrow \frac{x^x}{256^x} = 256^{256} \Leftrightarrow \left(\frac{x}{256}\right)^x = 256^{256} \Leftrightarrow$$

$$\Leftrightarrow \left(\left(\frac{x}{256}\right)^x\right)^{\frac{1}{256}} = (256^{256})^{\frac{1}{256}} \Leftrightarrow \left(\frac{x}{256}\right)^{\frac{x}{256}} = 256 \Leftrightarrow \left(\frac{x}{256}\right)^{\frac{x}{256}} = 4^4 \Leftrightarrow$$

$$\Leftrightarrow \frac{x}{256} = 4 \Leftrightarrow x = 256 \cdot 4 = 1024.$$

Juwabı. $x = 1024$.

5. Teńlemenı sheshiń $\sqrt[3]{5^{45^{8^{-x-1}}}} = 3^{\sqrt[3]{125}}$

Sheshiw.

$$\sqrt[3]{5^{45^{8^{-x-1}}}} = 3^{\sqrt[3]{125}} \Leftrightarrow \left(5^{\frac{1}{9}}\right)^{45^{8^{-x-1}}} = 5^{\frac{3}{3^3}} \Leftrightarrow 5^{\frac{1}{9} \cdot 45^{8^{-x-1}}} = 5^9 \Leftrightarrow \frac{1}{9} \cdot 45^{8^{-x-1}} = 9 \Leftrightarrow$$

$$\Leftrightarrow 45^{8^{-x-1}} = 9 \cdot 9 \Leftrightarrow \left(3^4\right)^{8^{-x-1}} = 3^4 \Leftrightarrow 3^{4 \cdot 8^{-x-1}} = 3^4 \Leftrightarrow \frac{1}{4} \cdot 8^{-x-1} = 4 \Leftrightarrow 8^{-x-1} = 4 \cdot 4 \Leftrightarrow$$

$$\Leftrightarrow (2^3)^{-x-1} = 2^4 \Leftrightarrow 2^{3(-x-1)} = 2^4 \Leftrightarrow 3 \cdot (-x-1) = 4 \Leftrightarrow -x-1 = \frac{4}{3} \Leftrightarrow -\frac{1}{x} = \frac{4}{3} \Leftrightarrow$$

$$\Leftrightarrow 4x = -3 \Leftrightarrow x = -\frac{3}{4}.$$

Juwabı. $x = -\frac{3}{4}$.

6. Teńlemenı sheshiń: $x^{x^5} - 100 = 0$

Sheshiw. Berilgen teńlemenıń eki jaǵın 5 dárejege kóteremiz:

$$x^{x^5} - 100 = 0 \Leftrightarrow (x^{x^5})^5 = (10^2)^5 \Leftrightarrow x^{5 \cdot x^5} = 10^{10} \Leftrightarrow (x^5)^{x^5} = 10^{10} \Leftrightarrow x^5 = 10 \Leftrightarrow x = \sqrt[5]{10}.$$

7. Teńlemenı sheshiń: $\sqrt[6]{a^{\sqrt[4]{a}}} = \sqrt{\frac{1}{2}}$

Sheshiw. Berilgen teńlemenıń eki jaǵınan kvadrat koren alamız:

$$\sqrt[6]{a^{\sqrt[4]{a}}} = \sqrt{\frac{1}{2}} \Leftrightarrow \left(\sqrt[6]{a}\right)^{\sqrt[4]{a}} = \sqrt{\frac{1}{2}} \Leftrightarrow \left(\sqrt[6]{a}\right)^{\sqrt[4]{a}} = \left(\frac{1}{2}\right)^{\frac{1}{2}} \Leftrightarrow \sqrt[6]{a^{\sqrt[4]{a}}} = \left(\frac{1}{16}\right)^{\frac{1}{4}} \Leftrightarrow$$

$$\Leftrightarrow \sqrt[6]{a} = \frac{1}{16} \Leftrightarrow a = \left(\frac{1}{16}\right)^{12} = 16^{-12} = (2^4)^{-12} = 2^{-48}.$$

Juwabı. $a = 2^{-48}$.